

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УМР ВА ИЖОД ҲИКМАТИ

(Мақолалар, эсселар)

Тошкент
2021

Ушбу китобда таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Исломжон Ёқубовнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги мақолалар ва эсселар жамланган. Унда олим шахсининг шаклланиши ва камол топиши билан боғлиқ психогенетик ва биопсихологик омиллар, унинг инсоний қиёфаси, ҳаётий ва ижодий фаолиятида кузатилувчи назарий-эстетик тамойиллар, илмий-фалсафий ифода йўсинлари хусусидаги фикр-қарашлар ўз аксини топган.

Мақолалар ва эсселар тўплами Олий ва ўрта махсус таълим тизими бакалавриатура ва магистратура босқичларининг талабалари, таянч докторант ва мустақил тадқиқотчилари, шунингдек замонавий адабий жараён муаммоларини ўрганишга ихлосманд кенг китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Умарали Норматов

филология фанлари доктори,
профессор

Такризчилар:

Курдош Қахрамонов

филология фанлари доктори,
профессор

Абдулла Улуғов

филология фанлари номзоди,
доцент

**Тўплаб нашрга
тайёрловчилар:**

Тозагул Матёқубова

филология фанлари номзоди,
доцент

Бону Ёқубова

Ушбу мақолалар ва эсселар тўплами Низомий номидаги ТДПУ Тарих факультети Кенгаши йиғилишининг 2021 йил 21 январдаги 5/4-рақамли қарори билан нашрга тавсия этилган.

ФАЙЗЛИ ХОНАДОН

Тозагул МАТЁҚУБОВА,

*филология фанлари номзоди, доцент,
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ*

Инсон қандай оилада туғилиб, камол топгани наинки унинг ўз умри ва ижтимоий фаолияти, балки фарзандлари, неварачевараларининг ҳаётида ҳам ўзининг чуқур изини қолдириб, атрофидаги муҳитга-да муайян таъсирини ўтказди. Агар, собиқ шўролар даврида миллат зиёлилари ўз ижтимоий келиб чиқишини пинҳон тутиш ва эҳтиёткорлик юзасидан «ишчи» ёки «деҳқон» фарзанди эканини «эйтироф» этишга мажбур бўлишган бўлса, истиқлол йилларида бу каби эҳтиёткорликка эҳтиёж қолмади. Шунга қарамасдан, ҳатто шўролар даврида ҳам, сиёсий-мафкуравий шубҳа-гумонлардан холи бўлган айрим олимлар, шоиру адиблар биографиясида ўз ота-оналари адабиётга, санъатга ҳавасманд инсонлар бўлишгани, унинг мурғак қалбида бадиий сўзга муҳаббат ҳислари уйғонишида оилавий муҳитдаги мўъжаз адабий-маданий муҳит илк босқич вазифасини ўтагани ҳам ҳақли эътироф этилган. Ишончим комилки, бундай фикрлар тасдиғини биз ўзимизга замондош ижодкорлар, адабиётшунос ва мунаққидлар ҳаёти ҳамда ижод йўли мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Шу маънода, ушбу мақолада мен ўзимга ниҳоятда таниш бўлган Аҳмаджон Ёқубов (қайин отам, 1925-2005)лар оилавий муҳити, у кишининг кенжа ўғиллари – адабиётшунос ва мунаққид Ислонжон Ёқубов (турмуш ўртоғим)нинг сўз санъатига меҳр қўйиши, изланишлари илмий-адабий жамоатчилик диққат-назарига тушишига замин бўлган шажаравий аъёналарнинг ҳаётбахш ибрати хусусида сўзлашни кўзладим.

Аҳмаджон дадамиз 1954 йилда қўшни қилоқда туғилиб вояга етган Санамжон (1932-2020) исмли қиз билан ҳаёт ришталарини боғлаганлар. Уларнинг бахтли турмушидан: Гулжон (1955), Мусохон (1957), Исохон (1959-2018), Ис-

ломжон (1961), Бибижон (1963-1997) исмли 5 нафар фарзанд дунёга келган. Кўринадики, Исломжон Ёқубов ана шу фарзандларнинг тўртинчисидир.

Қайин отамизнинг айтишларича, у кишининг дадалари Матёқуб (Муҳаммадёқуб) ота 1927 йилда, яъни улар бир ярим яшарлигида 24 ёшларида вафот этган эканлар. Шундан кейин улар боболари Нурулла хўжа ва оналари Шарифа момо тарбиясида камол топган, етимлик қийинчиликларини бошларидан кечириб, катта ҳаёт мактабини босиб ўтган эканлар. Қайин отам етти йиллик мактаб-интернатда таълим олгач, кечки мактабда ўрта маълумотли бўлиб, Тошкентда уч ойлик бугалтерлар тайёрлаш курсида ўқиганлар. Шундай бўлишига қарамасдан кўп йиллар давомида Халқ депутатлари Ҳазорасп туман ижроия кўмитасига қарашли давлат суғурта бўлими, молия бўлимларида, кейинчалик «Дўстлик» жамоа хўжалигида иқтисодчи бўлиб ишлаганлар.

Бинобарин, ўз тенгқурлари орасида ўткир зехни, нодир қобилияти, хусусан ҳисоб-китобга уқуви, ҳалол ва поклиги, имон-эътиқоди, фидойилиги билан алоҳида ажралиб турганлар. Санамжон онамиз эса, уч-тўрт кун бошланғич мактабга қатнаганларини ҳисобга олмаганда, ҳатто хат-саводини ҳам чиқармай, оила ишларида бетоб оналари Робия момомизга яқин кўмакдош бўлганлар. Ўн икки яшарликларидан эътиборан оналари ўринларига жамоа хўжалигида ишлаганлар. Билишимча, у кишини иккинчи жаҳон уруши ширин болалигидан мосуво қилган «йўқотилган авлод»нинг оддий бир вакиласи эдилар. Ўз вақтида ўқиш ва илм олишга имконлари бўлмагани учун бутун умрлари оғир ва машаққатли меҳнат остида ўтган эди.

Қайин онам раҳматлик уруш даврининг оғир ва машаққатли турмуши: одамлар машоқ териб парча нон топган, кунжара еб тирикчилик қилган, олма дарахти пўстлоғини қуруқ чой ўрнида ишлатган, учи-кети кўринмайдиган: тухум солиғи, сут солиғи, танк солиғи, ҳатто тутун солиғига-ча тўлашга мажбур этилган оғир кунлар, халқнинг ночор ва абгор аҳволи ҳақида куюниб гапириб берардилар. Улар ота-

ларининг кўлдан балиқ тутиб келганлари, ҳатто туз топилмагач, ўша балиқларни ейишнинг ҳам имкони бўлмагани, ичтерлама касалига шифо топилмай ёшгина хазон бўлган укалари қисматига ачиниб, қаттол урушга лаънатлар ўқир, тинч ва осуда замонни қадрлаш кераклигини уқтирар эдилар.

Қайин ота ва қайин онамизнинг аҳил ва иноқ турмушлари, ҳаётда ўз ўрнини топган одоб-икромли фарзандларига кўпчилик ҳавас қиларди. Улар камтарона турмуш кечирсалар-да оилада инсоний меҳр-муҳаббат, бир-бировга ҳурмат-эҳтиром барча нарсадан устун саналар, фарзандларию набираларига ҳам шу гўзал фазилатларни сингдиришга ҳаркат қилишарди. Шунинг учун барча мушкулотларга сабр-матонат билан чидаб, уларни оқ ювиб, оқ тараб, оқил ва комил инсонлар сифатида учирма қилдилар. Кексайган пайтларида эса неvara, эvara, чеваралар ҳурмат-эъзозида яшадилар.

Касбимиз тақозосига кўра биз катта оиладан узоқда – Урганч шаҳрида яшаётганлигимиз учун Санамжон онамиз доимо невараларини соғиниб, йўлмизга интиқ бўлиб ўтирардилар. Яхшироқ ёки тансиқроқ егулик топсалар, уни албатта олисдаги невараларига ҳам илинардилар. Ёзнинг илк кунларида пиша бошлайдиган боғимиздаги қора узумлардан бир нечта шингилини қуш-пуш тегмаслиги учун оппоқ дока билан ўратиб, ишком бошида асратиб, биз келгунимизча сақлаб қўйганлари ҳамон эсимда. Каттагина боғимизда пишиб етиладиган анжирми, анорми, шафтоли ёки олмаю нашватими Санамжон онамизнинг алоҳида эътиборлари билан Урганч (кейинчалик Тошкент) даги невараларнинг ризқ-насибаси ҳам албатта, асраб қўйиларди. Олисдаги неваралар учун асраб қўйилган узумнинг энг сара шингиллари, анорлар ҳатто қорли-қировли қиш кунларида ҳам уларга тортиқ қилинар, шугиналарнинг оғзи теккачгина онамизнинг кўнгиллари тинч, хотирлари жам бўларди.

Қайин отамиз ҳам гарчи шаҳарда яшайдиган невараларини астойдил соғинсалар-да, буни имкони борича, бировга сездирмасликка талпинардилар. Тумандаги уйимиз темир йўл бекатига жуда яқин жойда эди. 90-йилларнинг

охири, эҳтимол 2000 йиллар бўлса керак, Урганч-Хазорасп деган шаҳарлараро маҳаллий поезд қатнар, унда қишлоққа келиб-кетиш биз учун анча қулай эди. Қизимиз Севинчой поезддан тушибок бувиси дийдорини кўришга шошиллар, биздан бир оз илгарилаб, уйнинг кўча эшигини очганича «— Санам она, мен Севинчман. Биз келдик», дея шодон қичқирарди. Бу таниш овозни эшитишлари билан дадамиз ва онамиз бизга пешвоз чиқишар, ўша куни катта хонадон чексиз қувончга тўларди.

Одатда, бекатга келиб тўхтаган поезднинг ҳам, вокзал хизматчиси Урганч-Хазорасп поезде келиб тўхтади, деган товуши ҳам уйимизга аниқ-тиниқ эшитилиб турарди. Қайин онамнинг айтишларича, Аҳмаджон дадамиз бундай кезларда, шубҳа йўқки, биз келиб қолмасмиканмиз, деган илинжда ҳовлига чиқиб муайян фурсат айланиб юрар, кутганлари амалга ошмагач, ўзлари эшикдан кирибок қизчамизнинг овозига таклидан: «— Санам она, мен Севинчман. Биз келдик», дея хитоб қиларканлар. Табиатан содда ва ишонувчан Санамжон онамиз буни эшитгач, чопиб даҳлизга чиқар, бизни излар, ҳеч ким йўқлигини билгач, яна хоналарига кириб кетар эканлар. Эндиликда, болаларга хос ушбу беғубор, аммо бизнинг андак бемехрлигимиз туфайли юзага келган соғинч-армонли лаҳзаларни эсласам, бироз хижолат бўлсам-да, унинг яна қайтарилишини истайман, ўша мунис ва латиф лаҳзаларни қаттиқ қўмсайман. Зотан, қайин отам (қари дада) мизнинг ўша соғинчли қўмсашлари, интизор кутишлари, тунларни тонгларга улаб қилган дуои фотиҳалари бизни турфа балою офатлардан омон асраган бўлса ажаб эмас.

Агар соғинчли кунлар ҳафталар ва ойларга уланса, қайин отамлар йўловчи машинада 60 километрлик масофани босиб, Урганчга келардилар. Албатта, уйдагиларга «эрка бола»нинг ҳузурда бир икки икки кун қолсам керак, деб тайинлаб чиққан бўлсалар ҳам, бирор соат ўтириб, ҳол-аҳволимизни билар, тинч-тотув, соғ-омон эканимизга ишонч ҳосил қилгач, «кетаман»га тушиб қолардилар. Одатда, дадамлар жажжи барак ёки қовурилган балиқ гўштини хуш кўрарди-

лар. Биз ҳар иккаласиниям муҳайё қилишга интилар, тезда ёнгинамиздаги бозорга чиқиб, ул-бул харид қилардик. Дадамиз айни овқат пишай деб қолганида, болаларингиз билан эмин-эркин ейверинглар, деб йўлга отланиб қолардилар. Мана, овқатим ҳам тайёр бўлиб қолди, Сизни бир-икки кун бизникида бўлсангиз керак, деб ўйловдик, дейишимизга парво ҳам қилмай: «– Уйда онанг ёлғиз қолган», дейдилар ва кетишга тараддудлана бошлайдилар.

Бу унчалик қовушмаган баҳонанинг асл сабабини ҳам биламан. Чунки бир гал қайин онамга, дадам доим шунақа қиладилар, деб нолиганимда, у киши оғир хўрсиниб буни шундай изоҳлагандилар: «– Эҳ келинжон. Ҳеч ким етим ўсма-син, экан. Болалигинг етимликда мунгайиб, кўнглинг яримта бўлиб ўтдимми, сен етмиш-саксон яшар бўлсанг ҳам, барибир ўша-ўша кўнгли ярим етимча бўлиб қолавераркансан. Ҳеч қачон эркин ҳаракат қилолмас, ҳамиша эртага нима қиларканман? – деган хавотирда яшар экансан. Дадангиз гарчи ўз ўглининг уйида бўлсалар ҳам, мен шугина норасидалар ризқига шерик бўлсам, эртага уларнинг турмуши қандоқ кечаркан, қийналиб қолишмасмикан? – деган хавотирда бўлганлари учун ҳам, дарров иштаҳаси бўғилиб, кетаманга тушиб қоладилар», – дегандилар. Шу боис, дадамизнинг истакларини рад этолмай, ризқ-насибаларини ихчамгина тугунчага солиб бериб, иззат-икром билан кузатиб қўярдик.

Аҳмаджон дадамиз касби-кориға кўра иқтисодчи бўлишиға қарамасдан, туғма адабиёт ихлосманди, сўз шайдоси эдилар. Уйимизда дадамиз ўтган асрнинг 1940-2005 йилларида, яъни онгли умри давомида йиққан китоблари жамланган каттагина кутубхона бўларди. Ҳозирда, уларнинг бир қисми бизнинг Тошкентдаги олти-етти мингталик оилавий кутубхонамизнинг салмоқли қисмини ташкил этмоқда Қайсидир бир бўлагини бошқа фарзандлари, неваралари ҳам ташиб кетишган. Шунга қарамасдан, келинлик уйимда ҳамон мингдан ортиқ китоблардан иборат мўъжазгина кутубхона сақланиб қолган. Шунини мамнуният билан айта оламанки, бизда бирорта шаҳар ёки республика кутубхоналарига бориб

ишлаш эҳтиёжи бўлмаган. Илмий-педагогик фаолиятимизга доир деярлик барча китоблар, ҳатто газета-журналлар ҳам ҳаминша шундоққина кўл узатса етгулик жой – ижодхонамиздан топилган. Биз ҳам, ўтган асрнинг 90-йилларидан эътиборан бу кутубхонани анчагина бойитганмиз.

Дадамизнинг китоблари орасида, Низомий, Дехлавий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Бедил, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Атойи, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Махтимқули, Камина, Муқимий, Фурқат асарларидан тортиб, жаҳон адабиётининг ноёб дурдоналаригача топиларди. Мазкур кутубхонада «Чор дарвеш», «Боғу баҳор», «Рамайна», «Маҳобхарота», «Манас», «Минг бир кеча»нинг кўпжилдлиги, Навоий асарларининг ўн, ўн беш ва йигирма жилдлик нашрлари, ўзбек халқ достонларининг кўплаб намуналари, луғат китобларидан то турли қомусларгача жамланган эди.

Замонавий ўзбек адабиёти намуналаридан: Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, Ғ.Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Ҳ.Олимжон, Зулфия, Миртемирнинг турли йилларда нашр этилган китоблари, «Танланган асарлар» тўпламлари бизга бебаҳо мерос бўлиб қолган. Таъкидлаш ўринлики, ушбу кутубхонада дадамиз 1949-1952 йилларда ҳарбий хизматда бўлган ва Ашхабод, Красноводск, Кушка каби шаҳарлардаги зилзила оқибатларини бартараф қилиш билан машғул бўлган кезларида тўплаб олиб келган талайгина туркман, тожик ва қозоқ адабиётининг ноёб дурдоналарини ҳам учратиш мумкин эди. Қизиғи шундаки, уларнинг айримлари икки нусхадан сотиб олинган бўлиб, одатда битта нусхаси қайсидир китоб ихлосмандига тухфа қилинарди.

Аллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, дадамизнинг фарзандлар истиқболини кўзлаб йиққан, аксарияти бугун анча ноёб нусхалар саналувчи бу бебаҳо неъматлардан нафақат биз, балки фарзандларимиз ҳам баҳраманд бўлиб келишмоқда.

Аҳмаджон дадамиз бу китобларнинг жўн йиғувчиси эмасдилар. Улар ўттиз йиллар давомида қарийб минг ои-

ладан кам бўлмаган бир неча қишлоқнинг катта имомлари ҳам эдиларки, турли йиғинларда албатта китобхонлик ҳам бўлар, сўнгра асарларни шархлаш – тафсирлаш жараёни бошланарди. Кўпинча, бундай суҳбатларда бир неча кекса уламолар ҳам иштирок этишар, масала талашиш ҳоллари ҳам бўлиб турарди. Дадамизнинг кувваи ҳофизалари ғоят баланд эди. Ўшанда ёшлари етмишга бориб қолган бўлишига қармасдан, мутолаадан бўшамасдилар. Уч-тўрт кунда тунларни тонгга улаб хатми Қуръон қилганлари, Алихонтўра ва Шайх ҳазратларининг жорий имлодаги асарларини мутолаа қилиб ўтирганларини кўп кўрганман. У киши Яссавий, Сўфи Оллаёр, Машраб, Навоий, Мунис, Огаҳий, Махтимқули, Муллонафасдан юзлаб шеърларни ёд билардилар ва бизга ғоят чиройли овозда айтиб берардилар. Бир гал профессор Ҳамиджон Ҳомидий домла ҳам у кишининг суҳбатларидан баҳраманд бўлгандилар.

Бу хонадонга янги келин бўлган пайтларим кўп бора гувоҳи бўлганманки, дадамизга тенгдош айрим китобсевар дўстлари келиб, улар билан ўздари яқинда ўқиган китоблари хусусида суҳбат қуришар, ўзаро фикр алмашишарди. Баъзан эл орасида танилган ҳофизу хонандалар ҳам келишиб, мумтоз ғазаллар сўрашар, уни хиргойи қилиб бериб, ўзига хос «кўрик»дан ўтишарди. Мен баъзан дадамнинг мумтоз ғазалларни қадимий қиссахонлик йўсинида ўқиганларини ҳам кўрганман. Қачондир бундай усулда ғазал ўқишни профессор Нурбой Жабборов ва адабиётшунос олим Сайфиддин Рафиддиновлардан ҳам эшитганман. Хуллас, хонадонимиз кўпинча, чинакам адабиёт ва снъат даргоҳига айланиб кетарди.

Турмуш ўртоғим – Исломжон Ёқубовнинг олис болалиги уларнинг қишлоғига ҳали электр етиб бормаган ўтган асрнинг 60-йилларига тўғри келган. Чунки Хоразм вилоятига электр чироклари Тахятош ГЭСидан тортиб келинган, вилоятнинг энг чекка тумани бўлган Ҳазорасп 70-йилларнинг биринчи ярмига келибгина электр билан тўла таъминланган экан. Қайин онамнинг айтишларича, ўша кезлари уйимизда

фақат девор радио бўлар экан. Табиийки, бундай шароитда адабиёт ва шеърятга қизиқиш ҳам ортади. Узун туунларни тонгларга улаб лампа чироқ ёруғида оила даврасида ёки кўни-кўшнилари йиғилиб жилд-жилд китоблар ўқишгани ҳозирги ёшларимизга худди олис бир мозийда кечган гаплар ёинки қизиқ бир эртақ бўлиб туюлиши ҳам мумкин. Қиссахонлик, дostonхонлик, шеърхонлик кечаларининг аксарияти бизнинг уйимизда бўлиб ўтгани ҳақидаги гаплар чиппа-чин эканига мен астойдил ишонаман. Чунки бу кутлуғ хонадонда бунинг учун етарли имкон, яъни ўз ўқувчисини кутаётган тахлам-тахлам китоблар ҳам, уларни шархлаб берувчи кишилар ҳам бор эди.

Қайин онамнинг айтишларича, Исломжон Ёқубов кенжа ўғил бўлсалар ҳам, нисбатан эрта саводини чиқарган акаларига қараганда китобни анча равон ўқир, ўқиганларини тингловчиларга етказиб бера олар экан. Шунинг учун ҳам маҳалланинг бир неча ёшу кекса аёллари қайин онамга ўғлингизга китоб ўқитиб бир яйрайлик, деб йиғилишаркан. Бундай кечаларда «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғлининг болалиги», «Ошиқ Маҳмуд Авазхон», «Ҳасанхон», «Кирк йигит ва қирқ қиз», «Тоҳир ва Зухра» ва бошқа кўплаб халқ дostonлари ўқиларкан.

Англашиладики, бизнинг айрим зиёлиларимиз нукул оналари ёки бувиларидан эшитган эртагу дostonлар таъсирида адабиётга меҳр қўйишмаган, аксинча уларга ўзлари китоблар ўқиб беришлари, элнинг олқиш-дуосини олишларидан рағбат олиб ҳам бу соҳага меҳри товланган экан...

Хўжайинимнинг амакилари Боғибек Қосимов (Илоҳим жойлари жаннат маъволаридан бўлсин) ўзларининг «Нечун фахр этмагайман» номли китобларида бу шажаранинг олис ва яқин тарихини қайта тиклаб кетган эдилар. «— Мен уни давом қилдиришни амаким Ислом Ёқубовга ишонаман», — деган мазмундаги васияти ҳам ўша китобдан ўрин олганди.

Умуман айтганда, 60 йиллик муносабати билан биз бироз иккиланиб бошлаган ушбу тўпламга нари бериси бир ой ҳам бўлмай, шунчалик кўп мақолалар тўпланишини ўйламаган

ҳам эдик. Улуғ шажаранинг бир бўғини бўлган турмуш ўртоғим таваллуд кунлари баҳонасида тўпланган мақолаларнинг салмоқли қисмида ота-боболаримиз ҳақида ҳам бир қатор эътиборга молик фикр-қарашлар изҳор этилгани бизни беҳад мамнун этди.

Уларни ўқиган фарзандларимиз ва яқинларимиз қалбида олис ва яқин ўтмиш, боболарию момоларига муносиб солиҳ ва солиҳа фарзандлар бўлиш ҳаваси уйғонса, шунингдек, муҳтарам китобхонларимиз ҳам ўзбекнинг файзли бир хонадон соҳиблари ҳақидаги фикр-қарашлардан оз бўлса ҳам маънавий-руҳий рағбат олсалар, демакки, бошлаган ишимиз хайрлик бўлган экан дея оламиз. Фурсатдан фойдаланиб, ўз қимматли вақтларини ажратиб дил сўзларини баён этишни лозим топган барча азиз устозларимиз, дўстларимиз ва Исломжон Ёқубовни ўзларига устоз деб билган умидли ёшларимизга қизғин ташаккурларимизни ҳам изҳор этамиз.

